

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА “МУДДАТЛИ ТЎЛОВ” ШАКЛИДАГИ ҚАРЗ АЖРАТИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йил 24 декабрдаги №89 сонли лицензияси асосида фаолият юритувчи «Smart Bank» Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Банк” деб юритилади) бир томондан, ва ушбу оферта шартларини қабул қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси (кейинги ўринда “Қарз олувчи” деб юритилади) бошқа томондан, ушбу оммавий таклиф шартномасини кўйидаги мақсадда тузадилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк амалдаги қонунчиликка мувофиқ товарлар учун ҳақ тўлаш мақсадида Қарз олувчига интернет-платформаси (махсус веб-саҳифа) ёки мобил илова орқали онлайн Қарз (кейинги ўринларда “Қарз” деб юритилади) ажратади. Қарз олувчи шартномада белгиланган муддатларда ва шартларда Қарз суммасини тўлиқ тўлайди.

1.2. Қарз лимити интернет-платформаси (махсус веб-саҳифа) ёки мобил илова орқали автоматик тарзда миқдорнинг қарз юкидан келиб чиқиб скоринг асосида аниқланади ва 50 000 000 (эллик миллион) сўмдан ошмаган миқдорда бўлади.

1.3. Қарз муддати: Қарз 1 (бир) йил муддатга тўлиқ тўлаш шarti билан ажратилади.

1.4. Қарздан фойдаланганлик учун фоиз ҳисобланмайди.

1.5. Ажратилган Қарзнинг ойлик тўлови ҳар ойнинг 5-кунидан кечикмаган ҳолда тўлов жадвалига мувофиқ тўланади.

2. ШАРТНОМАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

2.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 - моддаси ва 369 – моддаси иккинчи қисмига мувофиқ оммавий таклиф (оферта) шартномаси ҳисобланади.

2.2. Миқдор www.smartbank.uz интернет сайтига ташриф буюриб, тизим хизматларидан фойдаланишга руҳсат берилганидан сўнг, шартнома Ўзбекистон

Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ қабул қилинган ҳисобланади ва мижоз Қарз олувчи ҳамда тўловчи сифатида иштирок этади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ:

3.1.1. Банк томонидан жисмоний шахсларга «онлайн Қарз» ажратиш талаблари билан танишиш;

3.1.2. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек, Қарз ажратиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумот олиш;

3.1.3. Шартномада назарда тутилган тартиб ва муддатларда ажратилган Қарз шартларини бажарилишини талаб қилиш;

3.1.4. Қарзни муддатидан олдин қайтариш;

3.1.5. Шартнома тузилган санадан бошлаб бир ой муддатида Қарз маблағидан фойдаланилмаган тақдирда, шартномани бир томонлама муддатидан аввал бекор қилиш;

3.1.6. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни қоплашни қонунда ўрнатилган тартибда банкдан талаб қилиш.

3.2. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.2.1. Қарз олиш ва ундан фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни банкка тақдим этиш;

3.2.2. Қарздан амалдаги қонунчиликка мувофиқ ушбу шартнома ва/ёки Банк ҳамда мижоз ўртасидаги бошқа келишувларда кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш;

3.2.3. Қарзни шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда қайтариш;

3.2.4. Агар Қарз бўйича муддати ўтган қарздорликни мавжуд бўлса, банк томонидан ёзма, СМС ёки бошқа кўринишда хабар олган кундан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида тўловни амалга ошириш;

3.2.5. Тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган ёки тўлиқ тўланмаган ҳолларда, иш ҳақи, бошқа пластик карталар, омонат ёки омонатдаги маблағлар, шунингдек,

бошқа банкдаги ҳисобварақлардан тўловларни тўғридан-тўғри ундирилишига тўсқинлик қилмаслик;

3.2.6. Ўз ҳатти-ҳаракатлари орқали Банкка етказилган моддий ва маънавий зиёнларни тўлиқ қоплаб бериш;

3.2.7. Қарз олувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

3.3. БАНК ҲУҚУҚЛАРИ:

3.3.1. Асосли ҳолатларда Қарз ажратишдан бош тортиш;

3.3.2. Қарз олувчидан шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш ва мониторинг қилиш учун керакли бўлган ҳужжатларни талаб қилиш;

3.3.3. Қарзни қайтариш 30 (ўттиз) календар кунидан ортиқ муддатга кечиктирилган тақдирда, Қарз миқдорини белгиланган суд тартибида муддатидан олдин ундириш;

3.4. БАНК МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.4.1. Қарз олувчига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, Қарз ажратиш билан боғлиқ барча ҳаражатлар тўғрисида маълумот тақдим қилиш;

3.4.2. Қарз олувчилар Қарз ажратиш тартиби билан танишиб чиқишлари мақсадида банкнинг интернет-платформаси (махсус веб-саҳифа) ёки мобил иловасида жойлаштириш;

3.4.3. Қарз олувчига шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида вужудга келган зарарни банкнинг айби суд тартибида тасдиқланган тақдирда қоплаб бериш;

3.4.4. Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

4. “МУДДАТЛИ ТЎЛОВ” ШАКЛИДАГИ ҚАРЗ АЖРАТИШ ТАРТИБИ

4.1. Қарзни ҳисобга олиш учун Банк Қарз олувчига онлайн тартибда тегишли ҳисоб рақамларини очади.

4.2. Мазкур шартнома Қарз олувчи томонидан қабул қилинганидан сўнг, Банк унинг аризасида кўрсатилган Қарз миқдорини ажратади.

4.3. Қарз тўлови муддати келганда, Қарз олувчининг бириктирилган пластик картасидаги ёки бошқа махсус (масофадан туриб бошқариладиган) ҳисобварағидаги маблағ автоматик тарзда ушбу тўловни ундириш учун йўналтирилади.

4.4. Қарз муддати тугаганидан сўнг, агар қарздорлик мавжуд бўлса, Банк Қарз олувчининг пластик картасидаги мавжуд маблағни ёки бошқа махсус (масофадан туриб бошқариладиган) ҳисобварағидаги маблағлар ҳаракатини тўхтатиб туриш орқали ушбу қарздорликни қоплаш учун йўналтирилади.

4.5. Қарз олувчининг пластик картасига ёки махсус ҳисоб рақамига маблағлар Қарз лимити очилгандан сўнг 2 (икки) ой мобайнида келиб тушмаган тақдирда, Қарзнинг қолган қисмидан фойдаланиш автоматик тарзда банк томонидан Қарз олувчининг розилигисиз тўхтатилади.

4.6. Агар Қарз олувчи ажратилган Қарз маблағларини амалдаги қонунчиликка зид бўлган мақсадларга ишлатилган тақдирда, Банк барча Қарз миқдорини муддатидан олдин ундириш ҳуқуқига эга.

4.7. Агар Қарз олувчининг муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлса, Банк Қарз олувчининг мавжуд ҳисоб рақамларидаги маблағларни унинг розилигисиз мемориал ордер орқали ундириб олади.

5. МАХСУС ШАРТЛАР

5.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, инкассаторлар ва давлат ижро органлари Қарз олувчига тегишли маблағларни ёки мол-мулкни ундириш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда, ижрони Қарз олувчининг Банкдан олган қарзи ҳисобидан ундирилишига йўл қўйилмайди. Банк бундай даъволарни/қарорларни ижро этмайди.

5.2. Банк Қарз олувчини ва у томондан ушбу Қарз орқали амалга оширган амалиётлари ҳақидаги маълумотларни махфийлигини кафолатлайди ва уни учинчи шахсларга ошкор қилмайди. Бундай маълумотлар амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ошкор қилиниши ва тақдим этилиши мумкин.

5.3. Банк товарлар билан боғлиқ масалалар учун (сифат, нарх, етказиб бериш ва бошқалар) жавобгар эмас ва улар билан боғлиқ низоларга аралашмайди.

5.4. Қарз олувчи вафот этган тақдирда, қарз миқдорини ундириш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг мол-мулкига қаратилиши ҳамда унинг меросхўрлари устидан судга даъво қилиши мумкин.

5.5. Қарз олувчи ўз шахсий маълумотларини кредит тарихини текширувчи ташкилотларга тақдим этилишига розилик билдиради.

5.6. Ҳар қандай суд ишида ушбу шартнома бажарилиши бўйича Банк томонидан тақдим этилган ҳужжат бирламчи далил ҳисобланади. Ушбу шартнома Қарз суммаси Банкка тегишли ва унинг тўланиши лозим эканлигини тасдиқлайди.

6. ШАРТНОМА МУДДАТИ

6.1. Ушбу Шартнома Қарз олувчи томонидан ўрнатилган тартибда қабул қилинган санадан бошлаб кучга киради.

6.2. Ушбу Шартнома Қарз муддати давомида амал қилади, барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилган тақдирда бекор қилинади.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини олдиндан кўра олмаган ва оқилона чоралар билан тўсқинлик қила олмаган фавқулодда ҳолатлар натижасида, жумладан сув тошқини, ёнғин, zilзила, фуқаролар тартибсизликлари, босқинчилик, ҳарбий ҳаракатлар ёки бошқа табиий офатлар сабабли бажара олмаса, жавобгар бўлмайдилар. Шунингдек, Шартнома муддати жавобгарлик чораларини қўлламасдан ҳолатнинг давомийлиги бўйича кечиктирилади.

8. АНТИКОРРУПЦИОН НОРМАЛАР

8.1. Шартнома шартларини бажаришда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга доир қонунчилигига, банкнинг “Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”га ҳамда ички идоравий ҳужжатларига амал қилиши лозим.

8.2. Коррупцион хавфларни юзага келтирадиган ва манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган барча ҳолатлар юзасидан банкнинг Комплаенс ва ички назорат департаментига мурожаат қилиниши лозим.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

9.2. Қарз тўлови ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, Банк Қарз олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган Қарз суммасининг 0.5% миқдорида, лекин ажратилган Қарз суммасининг 30% кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга ҳақли. Банк тўланган жарима маблағларини фақатгина хайрия мақсадларига йўналтиради.

9.3. Мазкур Шартнома бўйича вужудга келган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тегишли суд тартибида кўриб чиқилади.

9.4. Ушбу Шартнома қабул қилингандан сўнг қонуний кучга эга бўлади, шунингдек, Қарз олувчи томонидан ўз қўли билан имзоласа ёки электрон имзоси билан тасдиқласа ҳам тенг юридик кучга эга ҳисобланади.